

ёхуд Улугбекнинг ўгли Абдуллатиф томонидан шахид бўлмагани хусусидаги хакикатлар

Мирзо Улугбекнинг "Зижи жадиди Кўрагоний" асарининг тўртинчи қисми астрология билан нияланган. Собик иттифок даврида астрология, метафизика, антология, коинот фалсафаси, генетика ва 1960 йилларгача кибернетика фанлари инкор қилинган. Яқин тарихнинг бундай ноқолислиги оқибатида ота-боболаримиз қолдирган жуда кўп илмий мерос йўқолиб қетди. Борлари ҳам бир ёқлама талқин қилинди. Хусусан, Мирзо Улугбек илмий мероси, сиёсий фаолияти, барпо этган расадхонаси тақдирига бир ёқлама қаралиб, уларга ёлгон гувоҳликлар қелтирилди. Ноқолис мафкура тарафдорлари Мирзо Улугбек дин уламолари фитнаси, хусусан, Хожа Ахрор томонидан уюштирилган диний фанатизм оқибатида ўлдирилган, деб турли асоссиз уйдирмаларни тўқиб чиқарганлар. Адабиётшунос олим, академик Ботурхон Валихўжаев Хожа Ахрор Вали ўзининг диний-сиёсий фаолиятини Мирзо Улугбекнинг ўлимидан кейин бошлаганлигини алоҳида таъкидлайди...

Шубҳасиз, ўша даврда темурийлар билан мўгул хонлари ўртасида қелишмовчиликлар бўлиб туриши табиий ҳол эди. Алишер Навоий мўгул хонларининг ярасига туз сепиб, Туронзамин хон, ҳоконлар юрти эмас, балки шаханшоҳлик замини эканлигини, қадимдан Эрон ва Туронда шаханшоҳ, Хиндистонда рожа, Хитойда фағфур, Рум ерларида қайсар, Мўғулистонда хон, ҳокон ҳукмронлик қилиб қелганлигини айтади.

Ўша пайтлар шох ёки шаханшоҳ бўлиш учун унинг отаси пайгамбар-сайид авлодларидан бўлиши шарт эди. Гоявий, мафкуравий давлатчилик, давлатдорлик масалаларида ҳам Турон шаханшоҳлик замини билан Мўғулистон ҳоконлик юртида катта фарқ бор эди. Мўгул қабилалари қадимдан хитойликлар билан муомалада бўлиб қелганлиги боис улар Хитойнинг "ён-ян" фалсафий гоясига таянишган. Бу гоя қадимги Эроннинг "парсуа" – форслар қабилалари ёйган гоялардан ақидавий томондан фарқ қилса ҳам фалсафий жиҳатдан бир-бирини тўлдирарди.

Темур ва темурийлар, хусусан, Мирзо Улугбек давлатдорлик ишларида Туроннинг шаханшоҳлик, падаршоҳлик гоялари устун турарди. Бу эса ўз навбатида модаршоҳлик, материалистик гояларга асосланган мўгул хонларига маъқул қелмасди.

Шунинг учун ҳам Улугбек ўгли Абдуллатиф томонидан эмас, балки Мўғлуқхоннинг фитнаси, ёрлиги, фатвоси билан Аббос томонидан ўлдирилган, деган хулосага қеламиз. Олимлар В.Бартольд, Е.Давидович, Б.Ахмедовларнинг изланишларида Улугбекнинг кейинги ҳаётига оид бирон-бир муҳим далил, ҳужжат қелтирилмаган. Фақат П. Булгаковнинг самарқандлик олим Абу Хафс Умарнинг "Матлаъ ан-нужум ва мажаъ ал-улум" асарининг 1364 йилдаги қўлёзмаси бир варағига кўзи тушиб қолади. Араб тилидаги бу ёзувда асар матнига, санасига мос тушмаган ҳолда "Абдуллатиф Улугбекни 1449 йил 17 октябрда қўлга олган, ўша йили 25 октябрда ўлдирилган" дейилади. Шундай экан, Улугбекнинг қандай қилиб "8 кун ичида Самарқандга, кейин Шохруҳияга чекингани, қичик ўгли Абдулазиз билан Сирдарё бўйида ов қилгани, кейин яна Самарқандга қайтиб Абдуллатифга мағлуб бўлганини тан олгани ва ҳаж йўлида Абдуллатифнинг "хохиши" билан шахид бўлган"и қишида шубҳа уйғотади.

Тарихчи Мирхонднинг "Равзат ус-сафо" асарида айтилишича, бу котиллик 853 йил шаъбон ойининг бошида, яъни милодий 1449 йилнинг 19 сентябрида юз берган. Улугбекнинг ўлдирилиши билан боғлиқ саналарнинг бу икки хиллиги ҳам шубхамизнинг ўринлилигини кўрсатади.

Мирзо Улугбекнинг Аббос томонидан ўлдирилгани хақида "Бобурнома"да куйидагича баён этилган:

Улугбек баҳри улуму хирад,  
Ки дунёву динро азу буд пушт,  
Зи Аббос шахди шаходат чашид,  
Шудаш харфи тарих "Аббос кушт".

Яъни, "илохий ва дунёвий илмлар денгизига шўнгиган Улугбек Аббос туфайли шахид бўлди. Абжад ёзувида битилган "Аббос кушт"дан у ўлдирилган сана келиб чиқади". Аммо манбада Абдуллатиф хақида ҳеч нарса дейилмаган.

Ёки яна бир "Бобо Хусайн кушт" деб тугаган бошқа манбада Абдуллатифнинг ўлими хақида айтилади. Ушбу абжадли шеърда ҳам Улугбек ва унинг одамлари хусусида ҳеч қандай маълумот келтирилмаган:

Абдуллатиф Хисрави Жамшид фар ки буд,  
Дар силки бандагонаш Фариддуну, Зардухушт,  
Бобо Хусайн кушт шаби жумъааш батир,  
Тарихаш ин навис ки "Бобо Хусайн кушт"

Маъноси: Абдуллатиф қадимги Хисрав ва Жамшид подшоларидай, Фариддину Зардушт каби салоҳиятли бандалардан эди. Жума окшоми уни Бобо Хусайн ўқ узиб ўлдирди. Тарихни бундай ёз уни "Бобо Хусайн шахид этди".

Ўз замонида халқ орасида Абдуллатифга нисбатан ҳурмат билан шеърӣ мисралар битилган:

Бобонг зулми замон юзидан ювиб ўтди,  
Одил отанг адолат отини кувиб ўтди,  
Муборак эгнинггаким Салтанат тўни битди,  
Харна кодирсен кўрсат, эй навбат куни етди.

Шундай қилиб, Мирзо Улугбек, Абдуллатиф, Абдуллазиз, қозикалон Шамсиддин Мухаммад Мискинлар мўгул хонлари фитнасининг қурбонлари бўлишди. Улугбек ва Абдуллатифни ўлдирган Аббос ва Бобо Хусайнлар мўгул хонлари, Мўғлуқхоннинг одамлари эди.

Улугбек бунёд эттирган расадхона тақдирига ҳам собиқ иттифок мафқураси тарафдорлари ноҳолис ёндашдилар. Шўро даврининг баъзи манбаларида расадхона гуё диний уламнинг фитнаси билан буздирилган дейилса, бошқа манбаларда расадхона

Ўз-ўзидан каровсиз колдирилганлиги туфайли бузилган дейилади.

Расадхонанинг Хожа Ахрор бошчилигидаги диний уламо фитнаси билан буздирилмаганлиги, у Улугбекнинг ўлиmidан кейин ҳам бир неча йиллар ишлаб турганлиги, кейинчалик каровсиз колдирилгани учун эмас, балки махсус буздирилганлиги бугун тарихий манбалардан маълум бўлаяпти.

Шайбонийхонлар хокимият тепасига келганидан сўнг темурийларни Туронзамин сархадларидан кувиб чиқарадилар. Манбаларда XVI асрга келиб, Шахрисабздаги Оксарой ва Мирзо Улугбек расадхонаси шайбонийлардан бўлган Абдуллахон II томонидан буздирилгани айтилади.

Расадхона ўз-ўзидан каровсиз қолиб асрлар давомида нураб, бузилиб кетган, деб совет тарихчилари фикрига кўшиладиган бўлсак, Абдураззоқ Самаркандийнинг расадхона хақида берган куйидаги маълумотларини инкор этишимизга тўғри келади: "Самарканднинг шимолида, шарқ томонга мойилроқ ерда мос бир жойни тайин қилди ҳамда шухратли ҳақимларнинг ихтиёри бўйича у ишни бошлашга мувофиқ бир толе муқаррар қилинди. Расадхонанинг биноси давлат асосидек пойдевор, пойдевори эса салтанат (асосидек) устувор қилиб мустаҳкамланди. Иморатни тиклаш ва устини кўтариш (оятдаги) "албатта ўша (қиёмат) қуни тоғлар сайр қилади" дейилган қунгача барқарор (турувчи) тоғлар сингари йиқилишу нурашлардан омон тарзда бажарилди".

Модомики, расадхона қиёматгача нурамайдиган, бузилмайдиган қилиб қурилган экан, демак расадхона махсус буздирилган. Акс холда, ҳеч бўлмаганда бу мухташам бино қоя-тошлар қаби қўриниб туриши керак эди. Хўш, бу бино диний уламанинг фатвоси билан буздирилмаган бўлса, қим уни буздиришга журъат қила олади? Ахир бу ерда шаханшоҳ мақомига яқин амир Улугбек юлдузлар илми билан шугулланган. Ваҳоланки, ўша даврда хон фармон бермас ва хошиш билдирмас экан, ҳеч қим бундай ҳашаматли бинони буздиришга журъат қилолмасди. Демак, бу бузгунчилик гоёси Мўғул хонлиги, Туронзамин шаханшоҳлигига бориб такалади.

Шуни холисона айтиш керакки, ер юзида ҳеч қандай гоё йўқ, у ягона бўлмаса. Бир-бирини инкор қиладиган гоёлар ҳам бир-бирисиз яшай олмади. Фақатгина айрим салтанат чайқовчиси бўлган манфаатпараст сиёсатчиларгина бир гоёни иккинчисига душман қилиб қўяди. Аслида гоё ягона.

Икромиддин СИРОЖИДДИНОВ, Улугбек расадхонаси илмий ходими